

INNOVATION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY

Electronic Scientific and Practical Journal



2025 / 2



@QMI_Instituti



Qarshi shahri,
Mustaqillik ko'chasi 225 - uy



www.kstu.uz
www.ojs.qmii.uz

INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

3-jild
2-son
iyun, 2025

June 2025
Volume 3
Number 2

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА
Научно-практический
электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY
Electronic Scientific and Practical
Journal

INNOVATSION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X

ojs.qmii.uz

Muassis:

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi:

R.X.Ergashev, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi o'rinbosari:

S.N.Xamrayeva, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Mas'ul muharrir:

N.A.Ochilova, PhD, dotsent

Qarshi davlat texnika universiteti

Texnik muharrir:

F.F.Haqqulov, PhD

Qarshi davlat texnika universiteti

Jurnal har oyda bir marotaba elektron shaklda jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.

Tahririyat manzili:

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko'chasi 225-uy

Tel.: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Faks: +998 (75) 221 1395

E-mail: innoeconomic@qmii.uz

“Innovatsion iqtisodiyot” ilmiy - amaliy elektron jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi **Oliy attestatsiya komissiyasi rayosatining 2025-yil 5-apreldagi 369-sonli qarori** bilan milliy ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan

Jurnalda quyidagi ruknlar asosida maqolalar nashr etiladi:

1. Nazariya va metodologiya
2. Raqamli iqtisodiyot
3. Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
4. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik
5. Inson kapitali iqtisodiyoti
6. Menejment va marketing
7. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
8. Moliya, kredit va investitsiya
9. Ekonometrika va statistika
10. Xizmat ko'rsatish va turizm sohasi

TAHRIRIYAT KENGASHI:

Tahririyat Kengashining xalqaro a'zolari:

Овчиников Виктор Николаевич – i.f.d., professor, akademik (Janubiy Federal Universitet, Rossiya)

Солодовников Сергей Юревич – i.f.d., professor (Belorussiya milliy texnika universiteti)

Сидиров Виктор Александрович - i.f.d., professor, (Kuban davlat universiteti)

Шевченко Игорь Викторович - i.f.d., professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya)

Kusainov Xalel Xaymullayevich - i.f.d., professor (Qozog'iston davlat texnologiya universiteti)

Samandarzoda Iskandar Hakim - i.f.d., i.f.d., professor (SH.Shotemur nomidagi Tojikiston agrar universiteti)

Гибадуллин Артур Артурович Национальный исследовательский университет Московский энергетический институт

Войнаш Сергей Александрович Казанский приволжский (федеральный) университет

Пуляева Валентина Николаевна Финансовый университет при Правительстве РФ

Морковкин Дмитрий Евгеньевич Финансовый университет при Правительстве РФ

Садриддинов Манучехр Исломиiddинович Международный университет туризма и предпринимательства Таджикистана, Душанбе

Перская Виктория Вадимовна директор Института исследований международных экономических отношений, Финансовый университет при Правительстве РФ

Молчанов Игорь Николаевич Профессор экономического факультета. Московский государственный университет имени М.В. Ломоносова

Басова Мария Михайловна Заместитель декана факультета налогов, аудита и бизнес-анализа Финансовый университет при Правительстве РФ

Чупин Александр Леонидович Заместитель декана экономического факультета Российский университет дружбы народов имени П.Лумумбы

Незамайкин Валерий Николаевич Профессор кафедры финансов и кредита Российский государственный гуманитарный университет

Никонорова Алла Владимировна Доцент кафедры экономической теории Финансовый университет при Правительстве РФ

Дмитриева Ольга Александровна Доцент кафедры налогов и налогового администрирования факультета налогов, аудита и бизнес-анализа Финансовый университет при Правительстве РФ

Швец Юрий Юрьевич Лаборатория управления инновациями, Институт проблем управления Российской академии наук

Колосова Елена Валерьевна Лаборатория управления инновациями, Российский экономический университет имени Г.В. Плеханова

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Gulyamov Saidaxror Saidaxmedovich - i.f.d., professor, akademik

Bozorov Orifjon Shodiyevich – t.f.n., dotsent

Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich - i.f.d., professor

Vaxabov Abduraxim Vasikovich – i.f.d., professor

Hakimov Obidjon Arzikulovich – i.f.d., professor

Navruz-zoda Baxtiyor Negmatovich - i.f.d., professor

Xatamov Ochildi Qurbonovich- i.f.d., professor

Fayziyeva Shirin Shodmonovna- i.f.n., professor

Jumayeva Gulrux Jo'raqulovna - i.f.n., professor

Egamberdiyeva Salima Raimovna - i.f.n., dotsent

Erkayeva Gulbahor Panjiyevna - i.f.n., professor

Amirqulov Shuhrat Olimovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Samiyeva Gulnoza Toxirovna-i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aliqulov Azamat Tuyg'unovich -i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aminov Fazliddin Baxadirovich- i.f.n., dotsent

Xo'jaqulova Nigora Rustamovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Turobov Sherzod Alisherovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Alimova Munisa Yulchiyevna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Ergasheva Nasiba Raxmatullayevna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Boboqulov Sanjar Baxromkulovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Djalilov Raxmonkul Hamidovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Nomazov Baxrom Bobomurodovich - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Alimxanova Nigora Alimxanovna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

June 2025

Volume 3

Number 2

INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш

Кулдашева Мафтуна Мусурмон қизи

Увеличение доходов населения за счет развития малого бизнеса и частного предпринимательства в регион

Кулдашева Мафтуна Мусурмон кизи

Increase in population income through the development of small business and private entrepreneurship in the region

Kuldasheva Maftuna Musurmon kizi

Received: May 14, 2025 Revised: May 16, 2025 ■ Accepted: May 19, 2025 ■ Published Online: June 1, 2025

- **Annotatsiya:** Mazkur maqolada mintaqada tadbirkorlikni rivojlantirish orqali aholi daromadlarini oshirish masalalari ko'rib chiqilgan. Tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash, infratuzilmani rivojlantirish, innovatsiyalarni joriy etish va aholi ko'nikmalarini oshirish orqali mintaqaning iqtisodiy salohiyati oshirilishi mumkinligi yoritilgan. Shu bilan birga, qishloq xo'jaligi, xizmat ko'rsatish, eksport va ijtimoiy tadbirkorlik sohalarida amalga oshirilishi lozim bo'lgan chora-tadbirlar tahlil qilingan..
- **Аннотация:** В данной статье рассматриваются вопросы повышения доходов населения через развитие предпринимательства в регионе. Подчеркивается важность поддержки предпринимательства, улучшения инфраструктуры, внедрения инноваций и повышения квалификации населения для роста экономического потенциала региона. Также анализируются меры, необходимые для развития сельского хозяйства, сферы услуг, экспорта и социального предпринимательства.
- **Abstract:** This article examines the issues of increasing household incomes by developing entrepreneurship in the region. It highlights the potential of supporting entrepreneurship, improving infrastructure, introducing innovations, and enhancing the skills of the population to boost the economic potential of the region. Additionally, the measures necessary for the development of agriculture, services, exports, and social entrepreneurship are analyzed
- **Kalit so'zlar:** Tadbirkorlik, aholi daromadlari, iqtisodiy rivojlanish, innovatsiyalar, infratuzilma, qishloq xo'jaligi, xizmat ko'rsatish, eksport, ijtimoiy tadbirkorlik, mikroreditlar, mintaqqa iqtisodiyoti.
- **Ключевые слова:** Предпринимательство, доходы населения, экономическое развитие, инновации, инфраструктура, сельское хозяйство, услуги, экспорт, социальное предпринимательство, микрокредиты, экономика региона.
- **Keywords:** Entrepreneurship, household income, economic development, innovations, infrastructure, agriculture, services, exports, social entrepreneurship, microcredits, regional economy.

■ КИРИШ

Мамлакатимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда мамлакат иқтисодий мустаҳкамлаш мақсадида амалга ошириб келинмоқда. Мамлакатимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити, хорижий инвесторлар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар янги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса давлатимиз томонидан олиб борилаётган соҳа фаолиятини ривожлантиришга доир ислохотлар натижасида уларнинг олдидаги мавжуд тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш ҳамда корхоналар фаолияти барқарорлигини таъминлаш ва янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни янада барқарор ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш” бўйича қўшимча чора-тадбирлари, шунингдек, 2019 йил 13 августдаги “Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780-сон Фармони қабул қилинган.

■ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Минтақада тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини оширишнинг долзарб муаммолари М.Портер [1], А.Давид [2], Ж.Счумпетер, Р.М.Солов, Ж.Х.Дуннинг каби узоқ хориж олимлари томонидан тадқиқ этилган.

Минтақада тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш борасида МДХ олимларидан М.М.Журавлев, С.Дубинин, В.Л.Гриценко, М.Титаренко [3] ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. М.Титаренко Қозоғистон ва бошқа МДХ мамлакатларидаги тадбиркорликни ривожлантириш, инновацияларни жорий этиш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омиллари ҳақида тадқиқотлар олиб борган. Уларнинг орасида давлат сиёсати, ташқи савдо ва инвестициялар ролини ўрганишга катта эътибор қаратилган..

Ўзбекистон минтақаларида тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш борасида Ш.Ҳамдамов, Р.Азимов, С.Норматов,

Р.Садиқов, А. Ташматов, Ф.Сатторов, М.Бахтиёров, Д.Абдурахмановаларнинг илмий асарларида тадқиқ қилинган. Шавкат Ҳамдамовнинг “Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши” [4] мавзусидаги илмий-тадқиқот ишида Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида мамлакатдаги иқтисодий сиёсат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари таҳлил қилинган. Ш.Ҳамдамов иқтисодий ўсиш ва аҳоли даромадларини ошириш учун бизнес муҳити ва инвестицияларнинг ўсишига қаратилган асосий муаммоларни ўрганган.

Ушбу тадқиқотчилар томонидан минтақада тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини оширишнинг айрим умумназарий жиҳатларини тадқиқ этишга устувор ўрин берилган ҳолда, минтақада тадбиркорликни ривожлантириш ва хизматлар кўрсатишда ижтимоий бозор муносабатларини ривожлантириш талабларига ёндашиб таҳлил қилинган илмий ишлар етарли эмас. Жумладан, юқоридаги келтирилган мақолалар ва тадқиқотлар кўплаб фойдали билимларни таклиф қилган бўлса-да, баъзи камчиликлар мавжуд. Айниқса, Ўзбекистон ва бошқа МДХ мамлакатларидаги минтақавий ривожланиш ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича кўпроқ аниқ, амалий ва статистик маълумотлар, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий таъсирларни чуқурроқ таҳлил қилиш керак. Ушбу камчиликларни енгиш ва мақолаларга янги тадқиқотларни қўшиш, илмий ишларни янада бойитади.

■ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқот жараёнида минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш масалалари қиёсий фикрлаш, индукция ва дедукция ҳамда абстракция усулларида кенг фойдаланилган

■ ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ҳисобига тўғри келмоқда. Шу боис, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мутасадди давлат органлари, муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органларининг устувор вазифасига айланди. Бугунги кунда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ҳисобига тўғри келмоқда. Шу боис, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мутасадди давлат

органлари, муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органларининг устувор вазифасига айланди.

“Тадбиркорлик фаолияти - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият” [4]. Тадбиркор фаолияти асосида бир қатор шарт ва талаблар мавжуд бўлади.

Биринчидан, тадбиркор товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш омилларини бирлаштиради ва “катализатор” вазифасини бажаради. Иккинчидан, бизнесни юритиш жараёнида у мустақил қарорлар қабул қилишдек қийин бир вазифани зиммасига олади.

Учинчидан, тадбиркор-ташкilotчи шахс бўлиб, янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилади.

Тўртинчидан, тадбиркор – таваккал қилишдан қўрқмайдиган инсондир.

У нафақат ўз мол-мулки, вақти, меҳнати билан, балки ўз шериклари, ҳиссдорлари қўшган маблағлар билан ҳам таваккал қилишгача боради. Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида юқорида келтирилган турли хил фикр ва ёндашувларни умумлаштирган ҳолда, қисқа қилиб қуйидагича таъриф бериш мумкин: Тадбиркорлик фаолияти – шакли ва соҳадан қатъий назар, фойда олиш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолиятдир. Тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишида қуйидаги бир қатор қоидаларга риоя этилиши талаб қилинади:

□ тадбиркорнинг хўжалик юритиш бўйича ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши шарт;

□ тадбиркорлик фаолияти мулкдорнинг ўзи томонидан ҳам, уни мол-мулки асосида иш юритувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги;

□ хўжалик юритиш эркинлигини таъминловчи қулай иқтисодий муҳит ва ижтимоий-сиёсий шароитнинг мавжуд бўлиши;

□ мулкчилик ва ўзлаштиришнинг турли-туман шакллари ва турларининг мавжудлиги; тадбиркорнинг махсус билимга, маълумот ва малакавий тайёргарликка эга бўлиши.

Тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва шакллари хилма-хил бўлиб, улар орасида ўзининг хўжалик юритиш қўламини чеклангани билан ажралиб турувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим ўрин тутди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти бу соҳа томонидан амалга оширилувчи вазифалар орқали намоён бўлади. Бундай вазифаларнинг турли-туманлиги эса кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик соҳасининг жаҳондаги барча мамлакатлар учун ҳам, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган алоҳида бир мамлакат учун ҳам қандайдир даражада аҳамият касб этишдан дарак беради. 2019 йил 13 августдаги “Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4417-сон қарорлари қабул қилинган.

Президентимиз томонидан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига шароит ва кафолатлар яратиш, солиқ ва божхона имтиёзларини кенгайтириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий тадбиркорлик тўғрисидаги қонуннинг лойиҳаси муҳокамага қўйилган.

Ижтимоий тадбиркорлик - юридик шахслар ёхуд яқка тартибдаги тадбиркорларнинг муайян ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилишга ёки уларнинг оқибатларини енгилаштиришга қаратилган фаолиятдир.

Ижтимоий корхона – аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини иш ўринлари билан таъминлашни, ижтимоий товарлар ишлаб чиқаришни ва ижтимоий хизматлар кўрсатишни ёки бошқа ижтимоий мақсадларни кўзлаган ҳамда мазкур Қонунда белгиланган тартибда ижтимоий корхоналар реестрига киритилган тадбиркорлик субъектидир.

Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятининг мақсадларига қуйидагилар киради:

- аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини иш ўринлари, ижтимоий товарлар ва ижтимоий хизматлар билан таъминлаш;

- аҳолига тиббий буюмлар, дори воситалари ёки ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини таннархида ёхуд таннархидан паст бўлган нархларда сотиш;

- фавқулодда ҳолатларга қарши курашиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда бошқа ижтимоий мақсадларни кўзлаган фаолиятни амалга ошириш кабилар киради.

Шу ўринда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига кимлар киритилиши ҳақида танишадиган бўлсак, улар жумласига қуйидагилар киради:

- бозор шароитида товарларни (хизматларни) харид қилишда ёки меҳнат бозорида иш топишда қийинчиликка дучор бўлаётган ёхуд ўзгаларнинг кўмагига муҳтож шахслар, жумладан:

- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар;

- етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар;

- ижтимоий аҳамиятга молик бўлган касалликлар ва атрофдагилар учун хавф туғдирадиган касалликларга (сил, онкологик, психиатрик, наркологик, эндокринологик, инфекцион, таносил касаллиги, ОИТС ва касб касаллиги) чалинган шахслар;
- қарамоғида 16 ёшга тўлмаган ёки ногиронлиги бўлган болалари бўлган ёлғиз шахслар;
- ўқишни тугатгандан кейин 3 йил ўтмаган умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълими ташкилотлари битирувчилари;
- “Меҳрибонлик” уйларида 30 ёшга етмаган битирувчилари;
- Жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган шахслар;
- ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар;
- муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахслар.

Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- имтиёзлар ва преференциялар тақдим этиш;
- ижтимоий лойиҳа харажатларини субсидиялаш;
- давлат ижтимоий буюртмасини жойлаштириш;
- молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- ижтимоий корхона ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- маслаҳат бериш, методик ёрдам кўрсатиш ва ахборот жиҳатидан қўллаб-қувватлаш.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Бугунги кунда ижтимоий лойиҳалар ҳам амалга оширилиб, ижтимоий корхона томонидан аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини иш ўринлари, ижтимоий товарлар ва ижтимоий хизматлар билан таъминлашга ёки бошқа ижтимоий мақсадларга йўналтирилган ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш усули ҳисобланади.

Ижтимоий товар – бошқа фуқаролар билан тенг имкониятлар яратиш мақсадида зарур бўлган маҳсулот ва воситалар, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар учун протез-ортопедия буюмлари ва инвентарлар, реабилитация-техник воситалари, “Брайл алифбо”ли китоб ва бошқа босма материаллар, имконияти чекланган болаларга ўқув ва бадий адабиётлар, ишора тилини қўллаган ҳолда аудио китоб ҳамда видеоматериалларни ўз ичига олади.

Ижтимоий хизматлар эса Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонунида белгиланган шаклларда кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун ортопедик протезлаш, протезортопедия буюмлари ва инвентарларини таъмирлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш, умумтаълим мактабларига бора олмайдиган ногиронлиги бўлган болаларга уйда таълим бериш, руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат терапияси, уларни янги касбларга ўқитиш хизматларидан иборатдир.

Жамиятда ижтимоий тадбиркорликнинг асосий принципларига ижтимоий адолат, жамият манфаатларининг устуворлиги ва ижтимоий тадбиркорликнинг ихтиёрийлигини киритишимиз мумкин.

Ижтимоий тадбиркорлик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- давлат томонидан ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- ижтимоий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш;
- ижтимоий тадбиркорлик соҳасида давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ижтимоий лойиҳалар учун инвестициялар жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратиш.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида “Замонавий тадбиркор-Янги Ўзбекистоннинг таянчи” мавзусида бўлиб ўтган “Очиқ мулоқот”да мамлакатимизда сўнгги йилларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотлар, уларнинг натижадорлиги, хусусан, Савдо-саноат палатаси томонидан бу борада

2017-2021 йилларда амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборотлар берилди. Президентимиз ташаббуси билан бундан 4 йил аввал тадбиркорлик субъектларини текширишга оид мараторий эълон қилинган эди. Бунинг натижасида сўнгги 4 йил мобайнида 311 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, тадбиркорлар сони 2,1 баробарга ошди ёки 460 мингтага етди.

Жойларда ишбилармонлик муҳити ҳолатининг ўзгариши ва тадбиркорлик фаолиятида юзага келаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида 60 мингдан ортиқ сўровномалар ўтказиб, соҳада юзага келаётган

муаммолар ечими юзасидан таклифлар тайёрланди. Шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида - тизимга малакали кадрлар жалб қилиниб, тадбиркорлар манфаатида судларга 400 мингга яқин даъво аризалар киритилди, ваҳоланки 2013-2016 йилларда бу кўрсаткич атиги 38 мингга бўлган. Натижада Палата иштирокида бугунги кунга қадар тадбиркорлар ўртасидаги 6 мингга низоли ҳолат ўзаро келишув йўли билан ҳал этилишига эришилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда учинчи ренессанс ривожланишига замин яратиш мақсадида тадбиркорлар иштирокида халқаро даражада юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш бўйича Палата ҳузурида “Тошкент халқаро арбитраж маркази” ташкил этилди. Ушбу марказга 50 дан ортиқ етакчи халқаро экспертлардан иборат арбитражлар жалб қилинган. Амалга оширилган ишлар натижасида қиймати 3,8 млн. долларга тенг бўлган 22 та халқаро тижорат низолари кўриб чиқилди.

Палата томонидан ҳудудларда тадбиркорларга кўмаклашиш мақсадида барча туман ва шаҳарларда Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари ташкил этилиб, аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими яратилганлиги мақсадга мувофиқдир. Марказлар томонидан тадбиркорларга 600 мингдан ортиқ бизнес-хизматлар кўрсатилди, уларнинг 95 фоизи бепул ҳизматлар ҳисобланади.

Айниқса, савдо-саноат палатаси тизимида ёшлар ҳам алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, Палата томонидан 14 та ўқув марказининг фаолияти йўлга қўйилганлиги ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

■ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, кичик бизнеснинг мамлакат иқтисодиётига қўшадиган ҳиссасини оширилишини, кичик саноат зоналарининг яратилиши, инвестицион муҳит ва рақобат муҳитини яхшиланиши, кичик бизнес билан давлат хусусий шерикчилиги доирасида давлат харидлари ҳажмини кенгайтирилиши, йирик ва кичик корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамланиши, инновация жараёнларига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали кўришимиз мумкин. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, етарли экспорт салоҳиятига эга бўлган, бироқ айни пайтда янада ривожланиш учун етарли даражада капиталга эга бўлмаган муваффақиятли ва истиқболли кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш катта аҳамиятга эга. Ушбу чора-тадбирларларни самарали кичик бизнес

соҳасида кўпроқ иш ўрнини яратишга, жаҳон бозорига кириш имкониятларини оширишга ёрдам бериб, мамлакатни экспорт салоҳиятини оширишга ва аҳоли даромадларини ошишига имкон яратади. Президентимиз таъкидлаганидек: “Биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз” [2]

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда ижтимоий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириб бориш аҳоли фаровонлигини ошириш, даромадларни кўпайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларининг муҳофазасини кучайтириш ҳамда ривожлантиришга имконият яратади.

Muallif haqida / Сведения об авторе / Author details

1. Қулдашева Мафтуна Мусурмон қизи, Қарши давлат техника университети мустақил тадқиқотчиси / Кулдашева Мафтуна Мусурмон кизи Независимый исследователь Каршинского государственного технического университета / Kuldasheva Maftuna Musurmon kizi Independent researcher at Karshi State Technical University

Foydalanilgan adabiyotlar:

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4417-сон қарори. 2019 йил 13 август
- [2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780-сон Фармони. 2019 йил 13 август
- [3]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 23 декабрь 2017 й. № 258 (6952).
- [4]. Ш.Ҳамдамов “Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши” Т. 2010.
- [5]. Michael Porter. “Competitive Advantage: Creating and Sustaining Superior Performance” 1985. “The Competitive Advantage of Nations”. 1990
- [6]. David A. Audretsch. “The Economics of Small Business: Their Role and Regulation in the U.S. Economy” 1995.
- [7]. Михаил Титarenko “Innovation and Entrepreneurship in Central Asia” (2010).